

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 9 (575.1)

ТОПИЛДИЕВ ОДИЛЖОН РАХИМЖОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА
ЁШЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ (1991-2008 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2011

Диссертация иши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети факультетлараро “Ўзбекистон тарихи” кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар - тарих фанлари доктори, профессор
Муртазаева Раҳбархон Ҳамидовна

Расмий оппонентлар: тарих фанлари доктори, профессор
Усмонов Қамариддин Усмонович
педагогика фанлари номзоди, доцент
Жамолдинова Одина Расуловна

Етакчи ташкилот - Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Ҳимоя 2011 йил _____ ойининг _____ куни соат _____ да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 07.00.01-“Ўзбекистон тарихи” ихтисослиги бўйича тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун К.067.01.12 рақамли Ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ. e-mail: kengash@nuu.uz.

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети кутубхонасида танишиш мумкин (100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ).

Автореферат 2011 йил _____ ойининг _____ куни тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби т.ф.н., доц.**

А.А. Одилов

I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Таълим-тарбия, юксак маънавиятли, дунёқа- раши кенг камровли, билимли баркамол авлодни тарбиялаш бугунги кундаги долзарб масалалар қаторига киради. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида шахсни ҳар томонлама камолга етказиш ва ривожлантириш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Айнан шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ёшлар камолотини таъминлашга қаратилган кенг камровли давлат сиёсати туфайли Ўзбекистонда баркамол авлод шаклланиши масаласига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшларга нисбатан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, уларга оид давлат сиёсати изчил равишда амалий ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда. Бу сиёсатнинг мазмун-моҳияти, асосий йўналишлари, ёшларга бериладиган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий қафолатлар Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябрдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонунда (қонун 1992 йил 1 январдан бошлаб кучга кирган) белгилаб қўйилган¹. Қонунга кўра ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидорини тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни қафолатлашдан иборатдир. Бу қонуннинг қабул қилиниши, ўсиб келаётган ёш баркамол авлодни тарбиялаш юзасидан “Таълим тўғрисида”ги қонунни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни, “Мақтаб таълимини ривожлантиришнинг умуммиллий дастури” каби бир қатор ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишида пойдевор сифатида хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз”². Шу нуқтаи назардан бугунги кунда ёшлар ижтимоий-сиёсий куч сифатидаги фаолиятининг муҳимлиги ва амалий аҳамияти, Ўзбекистонда 1991-2008 йилларда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий ислохотлар, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини модернизациялаш ва янгилаш масаласи билан чамбарчас боғлиқлигида ҳисобланади. Чунки, мамлакатда ёшларнинг аҳоли таркибидаги салмоғи 64,0 % ташкил қилади³. Юқоридаги мулоҳаза Ўзбекистон ёшлар давлати эканлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

Ёшларнинг билим олиши, таълим-тарбияси, касбий тайёргарлиги масалалари Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат куриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, ушбу жараёнларни замон талаблари асосида, Ўзбекистон ёшлари ижтимоий-сиёсий фаоллиги масалаларини тадқиқ этиш долзарб масала ҳисобланади.

Мустақиллик йиллари ёшлар ҳаётида ҳам туб бурилиш ясади. Шу даврда ёш авлод таълим-тарбияси ва бошқа масалаларга бағишланган қонун, давлат дастурлари қабул қилинди ҳамда уларга алоҳида эътибор берилди. Баркамол авлодни тарбиялаш учун янги ёшлар ташкилоти “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати шаклланди ва у республика

¹ “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонун 1991 йил, 20 ноябрь. // Халқ сўзи, 1992, 8 январ.

² Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 74–75.

³ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. – 16-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 163.

ёшларини бирлаштириб, кенг қамровли фаолият олиб бормоқда. Шу билан бирга, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратиб бераётган “Фонд форум”, “Истеъдод” жамғармалари фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий-сиёсий ҳолати, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатини тадқиқ этишга алоҳида эътибор беришни тақозо этмоқда. Чунки, мамлакатдаги ўзига хос ижтимоий-сиёсий муносабатларни шакллантиришда ёшлар асосий етакчи куч бўлмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳолати, ўтиш даврида республика ёшларининг интилишлари, муаммолари ҳамда Ўзбекистонда ислохотларни амалга оширишда уларнинг иштирокини ёритиш масаласи долзарблик жиҳатини кўрсатиб беради.

Айнан шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикасида ёш авлоднинг ижтимоий, сиёсий, маънавий соҳадаги ислохотларни амалга оширишда тутган ўрни масаласини аниқ тарихий фактлар асосида кўрсатиб бериш долзарб масала ҳисобланади.

Тадқиқотнинг даврий чегараси қилиб 1991 йилдан 2008 йилгача бўлган давр олинди. Айнан мана шу давр оралиғида Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг ўрни юксалиб, миллий ўзликни англаш, инсон ҳуқуқларини қарор топтириш, демократия ва ҳуқуқнинг ривожланиши, мамлакат ҳаётида ёшлар фаоллигининг ошиши учун эътибор янада кучайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасида истиқлол йилларида ёшларга ижтимоий ҳаётда тўлақонли иштирок этиш учун қонунлар, давлат дастурлари, бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бу ижтимоий-сиёсий қатламга алоҳида эътибор берилга бошланди. Шу нуқтаи-назардан қараганда, мазкур мавзунинг ўрганишда Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган сиёсатшунос, ҳуқуқшунос, фалсафа, педагогика, иқтисод, социология, тарихчи ва бошқа гуманитар фан вакилларининг ёшлар масаласига оид кенг қамровли тадқиқотларни олиб боришда хизматлари катта бўлди. Бу ўринда мавзунинг тадқиқ этишда адабиётларни уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. 1) масаланинг тарихий аспекти ёритилган тадқиқотлар; 2) ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари тадқиқотлари; 3) хорижлик муаллифларнинг тадқиқотлари.

Биринчи гуруҳга мустақиллик йилларида мавзуга оид масаланинг тарихий аспекти тадқиқот объекти сифатида таҳлил этилган илмий ишлар киритилган. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ўрта-махсус таълим ва мутахассис кадрлар тайёрлашни ривожлантириш, саноатни ривожлантиришда ишчи ёшлар, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ёшларнинг иштироки масалаларини муайян бир жиҳатларини тадқиқотчи-лардан А.Р.Ҳақимов, С.У.Сулаймонова, Р.Н.Толипов, И.Ю.Иноятов, А.С.Татибоев, Р.Б.Сиддиқов каби тарих фани нуқтаи-назаридан таҳлил қилдилар¹. Шу билан бирга, Д.Ғуломова, Р.Муртазаева, О.Ата-Мирзаев, В.Гентшке, Д.Бобожонова, А.Маврулов, Т.Маҳмудов, Д.Раҳимова, И.С.Саифназаров, Э.Э.Каримов, Х.Самибоев, Х.Тожибоева каби олимларнинг илмий ишлари ёшларда тарихий

¹ Ҳақимов А.Р. Ўзбекистон саноатини ривожлантиришда ишчи ёшлар. Тарих фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзРФА Тарих институти, 1993. –164 б.; Сулаймонова С.У. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ёшларнинг иштироки. Тарих фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзМУ, 1994. –165 б.; Толипов Р.Н. Ўзбекистонда ўрта-махсус таълим ва кадрлар тайёрлашни ривожлантириш ва такомиллаштириш: тажриба ва муаммолар. Тарих фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзМУ, 1994. – 168 б.; Иноятов И.Ю. Из истории развития многонациональной школы в Узбекистане: опыт и проблемы (1980–1990 гг.). дисс. ...канд. ист. наук. –Тошкент: ЎзМУ, 1995. –162 с.; Татибоев А.С. Историография участия молодежи Узбекистана в экономическом развитии республики 60-е-80-е годы XX века. дисс. ...канд. ист. наук. – Тошкент: ЎзМУ, 1996. – 155 с.; Сиддиқов Р.Б. Совет тоталитаризми ва мустақиллик даврида ўрта махсус касб-хунар таълими. Тарих фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзМУ, 2003. – 170 б.

хотиранинг ривожига, сиёсий, маънавий, маърифий омиллар таъсири масалаларини ўрганишда илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда¹.

Шунинг учун ҳам мавзуни ёритиш давомида мазкур гуруҳга мансуб адабиётлар муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, мазкур гуруҳга киритилган адабиётлар мустақиллик даврида ёшлар таълим-тарбияси масаласига эътиборни қаратганига қарамай, уларда келтирилган материалларни ўрганиш ва таҳлил қилиш давомида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни тўла ёритилмаганини кузатиш мумкин.

Иккинчи гуруҳга масаланинг турли хил аспектларини таҳлил қилган ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари тадқиқотлари киритилган. Жумладан, жамиятдаги кенг миқёсли ўзгаришлар иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва мафкуравий ислохотлар жараёнида ёшлар фаоллигини ошириш, ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда маданий мероснинг ўрни, демократик жамиятнинг маънавий янгиланиши жараёнида ёшларни ижтимоий ҳаётида кечаётган ўзгаришларга эътибор қаратган тадқиқотчилар М.Маматов, М.М.Йўлдошев, О.М.Ғайбуллаев, Т.Х.Қурбонов, Н.З.Сайдалиева, Г.Ж.Туленова, Д.Б.Раҳимова, Т.Маликов, З.Қодирова, Э.Х.Бабамуратов, Т.Қурбонов, Ш.Ғаюпова, Х.Шайхова, Г.Тиллаева кабилар масалани фалсафий жиҳатдан таҳлил қилган².

¹ Ғуломова Д. Тарихий хотира ва ёшлар // *Fidokor*. – Тошкент, 2001, 18 октябрь.; Гулямова Д. Об изучении исторического сознания студенческой молодежи на современном этапе // *Ўзбекистон тарихи*, – Тошкент, 2001. – № 4. – Б. 48-55.; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Ташкент: Абу Али Ибн Сино, 1998. – 160 с.; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. – Ташкент: Университет, 2002. – 125 с.; Бобожонова Д.Б. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусияти. – Тошкент: Фан, 1995. – 94 б.; Маврулов А. Маънавий баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 80 б.; Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 124 б.; Саифназаров И.С. Иқтисодий ва маънавий манфаатлар уйғунлиги ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 166 б.; Тожибоева Х. “Ватан тарихи”ни ўқитиш жараёнида талабаларни маънавий тарбиялаш воситалари. // *Ижтимоий фикр*. Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2001. – №2 – Б. 34.; Муртазаева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. – Тошкент: Университет, 2007. – 184 б.

² Маматов М. Қишлоқ ёшларининг маънавиятини шакллантириш, унга миллий ва диний қадриятларнинг таъсири. Фалсафа фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзМУ, 1998. – 141 б.; Йўлдошев М.М. Мустақил Ўзбекистон Республикаси ёшларини тарбиялаш жараёнида хулқ-одоб маданияти ва сиёсий маданиятини шакллантириш муаммолари. Фалсафа фан. докт. дисс. ... – Тошкент: ЎзРФА фалсафа ва ҳуқуқ институти, 1998. – 260 б.; Ғайбуллаев О.М. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида ёшлар эстетик тафаккурининг ривожланиш масалалари. Фалсафа фан. номз. дисс. ... – Самарқанд: Самарқанд Давлат университети, 2005. – 159 б.; Қурбонов Т.Х. Ёшларда миллий ғурурнинг шаклланишида маданий мероснинг роли. Фалсафа фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзМУ, 2005. – 139 б.; Сайдалиева Н.З. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари. Фалсафа фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзМУ, 2005. – 165 б.; Туленова Г.Ж. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли. Фалсафа фан. докт. дисс. ... – Тошкент: ЎзМУ, 2006. – 317 б.; Раҳимова Д.Б. Ўзбекистонда талаба ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари (ижтимоий-фалсафий таҳлил). Фалсафа фан. номз. дисс. ... – Самарқанд: Самарқанд Давлат университети, 2008. – 162 б.; Маликов Т. Диалектика формирования активной жизненной позиции молодежи. Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Ташкент: ЎзРФА фалсафа ва ҳуқуқ институти, 1993. – 28 б.; Бабамуратов Э. Духовное обновление общества и изменение психологии молодежи Узбекистана (социально-философский анализ) Автореф. дисс. ... докт. филос. наук. – Ташкент: ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 1997. – 28 б.; Қодирова З.Р. Проблемы повышения социальной активности молодежи Узбекистана в условиях всестороннего реформирования общества. Автореф. дисс. ... докт. филос. наук. – Ташкент: ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2000. – 36 с.; Қурбонов Т. Ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда маданий мероснинг ўрни. Фалсафа фан. номз. дисс. ... автореферати. – Тошкент: ЎзМУ, 2005. – 28 б.; Ғаюпова Ш., Калонов К., Исмаилов Р. Ўзбекистон ёшларида дунёқараш уйғунлигининг шаклланиши муаммолари. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. – 112 б.; Шайхова Х., Тиллаева Г. Соғлом турмуш тарзи ва ёшлар камолоти. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2008. – 60 б.; Тиллаева Г. Ижтимоий ҳимоя-долзарб масала (Ёшлар тарбияси мисолида). // *Фалсафа ва ҳуқуқ*. – Тошкент, 2007. – № 2 – Б. 30.

Ёшларнинг ижтимоийлашуви, уларнинг бандлик масаласи ҳамда жамият ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётдаги муносабатлари каби масалаларга С.А.Жўраев, А.Мўминов, Б.Х.Жўраев, Л.Х.Тангриев, Ш.А.Эрматов, Д.Бўронова кабилар ўз тадқиқотларида алоҳида эътибор бериб сиёсатшунослик нуқтаи-назаридан таҳлил қилганлар¹.

Ёшларни ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, ёшлар ҳукукий онги ва маданиятини юксалтириш масалаларини Э.М.Абзалов, Р.Э.Турдибоева, Б.Джамбакиев, М.Тўляганова каби тадқиқотчилар ҳукуқшунослик нуқтаи-назардан ўрганган² бўлса, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшлар онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантиришнинг педагогик асосларини ва ижтимоий фаолликнинг маънавий асосларини тадқиқотчилардан Қ.Куранбоев, А.Д.Реджабоев, Б.Ш.Мирзалимов ва бошқалар педагогика фани нуқтаи-назардан таҳлил қилдилар³.

Шу билан бирга, ҳозирги бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида ёшларнинг меҳнат фаоллигини ошириш муаммоларини иқтисодий жиҳатларини тадқиқотчи И.М.Ҳасанова таҳлил қилган⁴ бўлса, тадқиқотчи Н.Хасанов мустақиллик йилларида ёшларнинг ҳукукий маданиятини шакллантириш жараёнларини социологик нуқтаи назардан ёритиб берган⁵. Лекин, мазкур тадқиқотларда Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни масаласи тўлақонли ёритишга эришилмаган, айрим манбаларда эса бу масала умуман четлаб ўтилган. Мавзунини ёритишда мазкур гуруҳга мансуб адабиётлар услубий жиҳатдан қисман яқиндан ёрдам беради.

Учинчи гуруҳга хорижлик тадқиқотчилар томонидан ёшларни ўзига хос ижтимоий катлам сифатидаги ва улар муаммолари билан боғлиқ илмий тадқиқотлар киритилган. Бундай тадқиқотлар XX аср бошидан бошлаб Германия, АҚШ, Англия, Франция, Россия каби мамлакатларда фаол олиб борилди.

¹ Жўраев С.А. Ўзбекистон Республикасининг ўтиш даврида шаклланадиган давлат ёшлар сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари. Политология фан. док. дисс. ... – Тошкент: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 1994. – 279 б.; Муминов А.Г. Национальная политика независимого Узбекистана и пути её реализации в духовно-культурной сфере (теория и практика). Автореф. дисс. ...докт. полит. наук. – Тошкент: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 1999. – 46 с.; Жўраев Б.Х. Ўзбекистонда жамиятни демократиялашуви жараёнида ёшлар сиёсий фаоллиги муаммоси. Сиёсий фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзР Президенти ҳузуридаги ДЖҚА, 2004. – 149 б.; Тангриев Л.Х. Ёшлар сиёсат субъекти: бандлик муаммоси. Сиёсий фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзР Президенти ҳузуридаги ДЖҚА, 2001. – 145 б.; Эрматов Ш.А. Ўзбекистонда кишлоқ ёшларининг сиёсий жараёнларда иштироки: ютуқлар, муаммолар ва ечимлар. Сиёсий фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзР Президенти ҳузуридаги ДЖҚА, 2007. – 150 б.; Бўронова Д. Ёшларга оид давлат сиёсати динамикаси ва муаммолари (Ўзбекистон мисолида). Сиёсий фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзР Президенти ҳузуридаги ДЖҚА, 2009. – 172 б.

² Абзалов Э.М. Ёшларнинг ҳукукий маданиятини шакллантириш муаммолари. Юридик фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзР ИИВ Академия, 2000. – 153 б.; Турдибоева Р.Э. Талаба ёшларда ҳукукий маданиятни шакллантириш муаммолари. Юридик фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзРФА фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2000. – 185 б.; Джамбакиев Б. Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳукукий асосларини такомиллаштиришнинг айрим масалалари // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2007. – № 2 – Б. 57–58.; Тўляганова М. Ҳукукий фуқаролик жамиятида талаба ёшларни тарбиялаш масалалари. // Ўзбекистонда фалсафа ва ҳуқуқ фанлари ривожининг истиқболи. – Тошкент, 2007. – Б. 94.

³ Куранбоев К. Педагогические основы развития духовной и социальной активности студентов. Автореф. дисс. ...канд. пед. наук. – Ташкент: Қ.Ниёзий номли педагогика илмий тадқиқот институти, 2000. – 28 б.; Реджабоев А.Д. Ёшларни миллий истиқлол ғояси асосида ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш (Ўзбекистон Республикаси Президенти, Республика Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони, академик И.А.Каримов асарларида илгари сурилган ҳарбий ватанпарварлик ғоялари асосида). Пед. фан. номз.дисс. ... – Тошкент: ЎзР ИИВ Тошкент Олий Ҳарбий Техника билим юрти, 2004. – 201 б.; Мирзалимов Б.Ш. Ёшлар онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантиришнинг педагогик асослари ("Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти мисолида). Пед. фан. номз. дисс. ... – Тошкент: Қ.Ниёзий номли педагогика илмий тадқиқот институти, 2005. – 158 б.

⁴ Ҳасанова И.М. Бозор муносабатлари шароитида ёшларнинг меҳнат фаоллигини ошириш муаммолари. Иқтисод фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзР ФА Иқтисодиёт институти, 2002. – 166 б.

⁵ Хасанов Н. Истиқлол даврида ёшлар ҳукукий маданиятини шакллантириш жараёнларининг социологик таҳлили. Социология фан. номз. дисс. ... авт. – Тошкент: ЎзР Президенти ҳузуридаги ДЖҚА, 2007. – 28 б.

Хусусан, XX асрнинг 20-йилларида ёшларнинг муаммолари илк бор илмий асосда К.Мангеймнинг “Авлодлар муаммоси” асарида ўрганилган бўлса, ёшларни ўзига хос ижтимоий қатлам ҳамда ёшлар муаммоларини мустақил йўналиш сифатида таҳлил қилган тадқиқотчилардан яна бири Маргарет Мид ҳисобланади. Тадқиқотчи И.С.Кон ёшлар масаласининг илмий-назарий жиҳатларини ёритишга алоҳида эътибор қаратди. Кейинги йилларда С.Н.Иконникова, П.И.Бабочкин, А.Д.Плотников С.А.Быков, Ю.Зубок, А.И.Ковалёва, В.А.Луков, В.В.Павловский каби тадқиқотчилар томонидан ёшлар социологияси, уларнинг эстетик қарашлари ва мафкуралари, ёшларга оид давлат сиёсати, ёш оилалар муаммолари, ёшлар наркоманияси, ёшларни жамият ижтимоий фаолиятига жалб этиш каби масалалар чуқур тадқиқ этилди¹.

Ҳозирги кунда ёшлар масаласининг турли қирралари ва жиҳатларини ўзига мужассам қилган “Ювентология”² фани ривожланиб бормоқда.

Ушбу тадқиқотлар мазкур мавзунинг ёритишда назарий жиҳатдан ёрдам беради. Бироқ ўрганилаётган мавзуга оид барча адабиётлар таҳлили Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни (1991-2008 йй.) масалалари мустақил диссертациявий тадқиқот объекти сифатида тарихийлик нуктаи назаридан ўрганилмаганини кўрсатади. Бу ҳолат тадқиқот мавзуини илмий тадқиқот объекти сифатида танлаб олинишига сабаб бўлди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот режаларидан ўрин олган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. 1991-2008 йиллар мобайнида жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва бошқарувни либераллаштириш шароитида, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрнини замонавий тарихий ёндашувлар асосида ўрганиш ва илмий таҳлил этиш тадқиқот ишининг асосий мақсади ҳисобланади. Ана шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди:

- Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий–демографик ҳолати ва унда ёшлар қатламини демографик таҳлил этиш;
- мустақил Ўзбекистонда ёш авлодга қаратилган давлат сиёсатини таҳлил этиш ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Ўзбекистонда ислохотларни амалга оширишда тутган ўрнини кўрсатиш;
- илм-фан ва таълим соҳасида ёш кадрлар масаласини тадқиқ этиш;
- Ўзбекистон маданияти ва спортининг ривожланишида ёшларнинг қўшган ҳиссасини таҳлил қилиш;
- Ўзбекистон ёшларининг тадбиркорлик фаолиятидаги ўзгаришларни кўрсатиб бериш;

¹ Мангейм К. Проблема поколений. – Москва: Новое литературное обозрение, 1928. – 300 с.; Margaret Mead. People and places. Florida: Bantam Books, 1959. – 190 p.; Margaret Mead. Continuities in Cultural Evolution. – New York, 1964. – 240 p.; Margaret Mead. Culture and Commitment. – New York, 1970. – 238 p.; Кон И.С. Социология молодежи. Краткий словарь по социологии. – М.: Политиздат, 1967. – С. 22-51.; Иконникова С.Н. Молодежь: социологический и социально-психологический анализ. – Л.: ЛГУ, 1974. – 53 с.; Ковалёва А.И., Луков В.А. Социология молодежи: теоретические вопросы. – М.: Социум, 1999. – 98 с.; Быков С.А. Наркомания среди молодежи как показатель дезадаптированности. // Социс, 2000. – № 4 – С. 45–47.; Зубок Ю.А. Молодежь в общественном воспроизводстве, проблемы и перспективы. – М., 2000. – 122 с.; Павловский В.В. Ювентология: проект интегративной науки о молодежи. – М.: Академический проект. 2001. – 136 с.; Бабочкин П.И., Плотников А.Д. Положение молодой семьи в Российской Федерации. – М., 2002. – 156 с.; <http://www.regioncentre.ru/obzor28/>

² Скворцова М.Б. Ювентологические конференции // Регион: Политика. Экономика. Социология. СПб., 1999. №5-6. www.regioncentre.ru/obzor28/.

– ўтиш даври ва ёшлар ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш;

– давлат томонидан ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласини таҳлил қилиш ҳамда Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг иштирокини такомиллаштириш йўналишлари ва истиқболларига оид муаммоларни ечишга йўналтирилган таклиф-тавсияларни ишлаб чиқиш назарда тутилади.

Тадқиқотнинг манбавий асослари. Диссертация устида ишлаш жараёнида турли манбалардан олинган катта ҳажмдаги ҳужжатлардан фойдаланилди. Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивининг М–13-фонд Ўзбекистон Республикаси “Камолот” жамғарма-сининг фонди, Р-94-фонд Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг фонди, М-7-фонд Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг фонди, М-26-фонд, М-66-фонди материалларидан фойдаланилди.

Шу билан бирга, “Камолот” ЁИХ, Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси кабиларнинг жорий архивларидан олинган материаллар, низом ва дастурлар, ҳисоботлардан фойдаланилди.

Шунингдек, ёшлар фаолиятини тартибга солувчи муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Консти-туцияси, “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги (1991 йил 20 ноябр), “Таълим тўғрисида”ги (1997 йил 29 август), “Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолати тўғрисида”ги (2000 йил 25май), “Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июн) ратификация қилиш тўғрисида”ги (2008 йил 4 апрел), “Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш тўғрисида”ги (2008 йил 8 апрел) конституциявий қонунлари ҳам муҳим манбавий асос бўлди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари, фармонлари ва давлат дастурлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари муҳим манба бўлди. Бу манбалар асосида 1991–2008 йилларда ёшлар ижтимоий-сиёсий ҳаётида бўй берган ўзгаришларга доир бой маълумотлар илмий муомалага киритилди.

Диссертацияда Ўзбекистон ҳамда яқин хорижда чоп этилган даврий нашр ва адабиётлардан, хусусан, газета ва журналлардан кенг фойдаланилди. Архив маълумотлари, илмий адабиётлар, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган маълумотлардан кенг фойдаланиш, уларни узвий алоқадорликда, танқидий ўрганиш, киёслаш ва таҳлил қилиш ўрганилаётган мавзунини ёритишда ҳолислик даражасини оширишга, ҳулосаларнинг ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қилди.

Тадқиқот объекти. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни тадқиқот объектини ташкил қилади.

Тадқиқот предмети. 1991-2008 йиллар мобайнида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрнини тарихий воқелик сифатида таҳлил этиш тадқиқот предмети ҳисобланади.

Диссертациянинг назарий ва услубий асослари. Мавзунини ёритиш жараёнида тарихий ёндашув ва киёсий таҳлил, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарларида илгари сурилган жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётини ҳаққоний ўрганиш, ҳолислик ва тарихийлик тамойилларига асосий эътибор қаратилди.

Кўзланган мақсадга эришиш, белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишни таъминлашда илмий билишнинг: объективлик, бир тизимлилик, умумий алоқадорлик, ривожланиш, миллийлик ва умуминсонийлик, тарихийлик ва мантикийликнинг бирлиги тамойиллари ҳамда қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, умумлаштириш усуллари методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

– биринчидан, Ўзбекистонда ижтимоий демографик ҳолат ўзига хос бўлиб мустақиллик ёшларга қаратилган давлат сиёсатини шакллантириш жараёнини ниҳоятда кучайтирди. Бу сиёсатнинг мазмун-моҳияти, асосий йўналишлари, ёшларга бериладиган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий қафолатлар муайян муҳим қонунлар билан тартибга солинди. Ўзбекистонда ёшлар ташкилотларини шакллантириш ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Ўзбекистонда ислохотларни амалга оширишда тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратилди;

– иккинчидан, илм-фан ва таълим соҳасида ёш кадрларни шакллантириш ишини такомиллаштириш учун қонунлар, давлат дастурлари қабул қилинди ҳамда уларни мақсадга мувофиқ амалга оширилганлиги ҳақида хулоса чиқарилди. Ўзбекистон маданияти, санъати ва спортининг ривожланишида ёшлар ҳиссаси алоҳида таҳсинга лойиқ бўлиб, ёшлар фаолиятини янада ривожлантириш, тинимсиз изланишлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратилди;

– учинчидан, Ўзбекистон ёшларининг тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтиришда давлат томонидан бериладиган ижтимоий ёрдам ва ёш тадбиркорларга муносабат кенг таҳлил этилди;

– тўртинчидан, ўтиш даврида ёшларни давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилиш ва улар ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинди. Давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг иштирокини такомиллаштириш йўналишлари ва истиқболларини янада кучайтиришга эътибор қаратилди. Қабул қилинадиган қонунларни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш тавсия этилди.

Ишнинг илмий янгилиги. Мустақиллик даврини ўзида ифода этган тарихий адабиётлар, архив ҳужжатлари ва матбуот нашрлари, статистик маълумотларининг умумлашган таҳлили натижасида қуйидаги янгиликлар илмий муомалага киритилди:

– манбалар, илмий адабиётлар ва статистик маълумотларни қиёсий таҳлил этиш орқали Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий–демографик ҳолати ёритиб берилди ва ижтимоий-сиёсий адабиётларга суянган ҳолда мустақил Ўзбекистонда ёш авлодга қаратилган давлат сиёсати таҳлил этилди;

– мустақиллик шаротида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ёшларга нисбатан ўзига хос фаолияти аниқ илмий далилларга таянган ҳолда ўрганилди ҳамда илм-фан ва таълим соҳасида ёш кадрлар масаласидаги ишларнинг самарадорлигини янада оширишга қаратилган давлат сиёсати ёритилди;

– Ўзбекистон маданияти, санъати ва спортининг ривожланишида ёшларнинг кўшган ҳиссаси илмий жиҳатдан ёритилди;

– мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон ёшларининг тадбиркорлик фаолиятидаги ижобий ўзгаришлар тадқиқ этилди;

– ёшлар ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилди ҳамда кучли ижтимоий сиёсат асосида давлат томонидан ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласида олиб борилган ишлар ёритиб берилди;

– Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг иштирокини такомиллаштириш йўналишлари ва истиқболларига оид масалаларни тадқиқ этишга бағишланган тарихий йўналишдаги диссертация иши яратилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти унда ўз аксини топган хулосаларнинг мустақиллик шаротида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрнини чуқурроқ англаб етишга хизмат қилиши билан белгиланади. Уларни тадқиқ этиш мустақиллик даврида ёшлар ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларнинг мазмунини тўғри англашга ёрдам беради. Бу ўз навбатида, миллат истиқболини олдиндан кўра билиш учун шароит яратади. Айни пайтда, диссертацияда баён этилган хулосалар ушбу йўналишдаги кейинги тадқиқотлар учун муайян назарий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Диссертациянинг амалий аҳамияти унда ўз аксини топган назарий хулосалар ва умумлашмалар, аниқ амалий таклиф-тавсиялардан Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрнини аниқлашга қаратилган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш, мустақиллик шароитида ёшлар ҳаётида содир бўлаётган кенг қамровли ижобий ўзгаришларни ушбу йўналишда фаолият юритаётган уюшмалар, жамғармаларнинг фаолияти орқали кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб ва ташвиқ қилиш жараёнида, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида тегишли ўқув курсларини ўқитишда ҳам фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Ишнинг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф томонидан эълон қилинган Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман тезис ва материалларида, тўплам, илмий журналларда эълон қилинган мақолаларда ўз аксини топган. Иш Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети факультетлараро “Ўзбекистон тарихи” кафедраси йиғилишида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия қилинган. Шунингдек, диссертация Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида фаолият кўрсатаётган К.067.01.12. рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисида муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация юзасидан жами 9 та иш эълон қилинган. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф томонидан эълон қилинган 2 та тезис ва 7 та илмий мақолаларда ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 166 бетни ташкил этади.

II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, даврий чегараси, ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, манбавий асослари, илмий янгилиги, назарий-услубий асослари, амалий аҳамияти, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, тадқиқот апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, шунингдек таркибий тузилиши ва ҳажми ёритилган.

Диссертациянинг “**Мустақиллик даврида Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи**” деб номланган биринчи бобида Ўзбекистоннинг ижтимоий–демографик ҳолати, мустақил Ўзбекистонда ёш авлодга қаратилган давлат сиёсати, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Ўзбекистонда ислохотларни амалга оширишда тутган ўрнини аниқлашга бағишланган.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг демографик ҳолати бўйича ўзига хос жиҳатга эга. Ўрта Осиёда Ўзбекистон аҳолиси энг зич жойлашган мамлакат бўлиб, унинг 36 фоиз аҳолиси шаҳарларда ва 64 фоиз аҳолиси қишлоқларда истиқомат қилади. Аҳолининг 39 фоизини меҳнатга лаёқатли давргача ёшдагилар, 54 фоизини меҳнатга лаёқатли ва 7 фоизини меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдагилар ташкил этади. Аҳоли сони 1991 йилда 20857,0 млн., 1995 йилда 22684,0 млн., 2000 йилда 24650,4 млн., 2005 йилда 26167,0 млн.

киши бўлган бўлса, 2008 йилга келиб 27302,7 млн. киши бўлган ҳолда, 7 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар 13417656 нафарни ташкил қилди¹.

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 27302700 кишини ташкил этган бўлса, шундан хотин-қизлар сони 13732064 кишини ташкил қилди. Аҳолининг 1 дан 30 ёшгача бўлган ёшлари сони 17080000 минг нафар бўлиб, шундан қарийб 9 млн. нафарини хотин-қизлар ташкил этди. Ёшларнинг 6 миллиондан ортиғи шаҳарларда, 11 миллионга яқини эса қишлоқларда истиқомат қиладилар². 2011 йилга келиб Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 28,5 миллион кишини ташкил қилаётгани ва ёшлар асосий куч экани муҳим аҳамият касб этмоқда³.

Бу ўринда Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини таъкидлаш ўринлидир, “Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 миллион 80 минг нафарни ёки умумий аҳолининг 64 фоизини ташкил этади”⁴.

Мустақиллик даврида ўзининг тарихий-маданий ўрни, демографик хусусиятлари ва ижтимоий ҳаракатчанлиги нуқтаи-назардан ёшлар қатлами жамиятда алоҳида ўрин тутаётганлиги ижобий ҳолдир. Бу борада уларнинг мақсад ва орзуларини тўғри белгилаб олишга ёрдам бериш, бу жараёни илмий ва режали ташкил этишга алоҳида эътибор бериш лозим. Ёшларнинг ижтимоийлашуви жараёни ўз ичига зарурий равишда ёшларнинг жамиятга қўшилиши, уларнинг ижтимоий ҳаёт мунособатларга мослашуви ҳамда ижтимоий тараққиётга таъсири кабиларни қамраб олади. Жумладан бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий омиллар билан ифодаланадиган ўзига хос демографик ҳолат юзага келди. Унга мувофиқ 30 ёшгача бўлган фуқаролар ёш тоифаларининг қуйидаги чегараларини белгилаб олиш мумкин:

1. 0-6 ёш-мактабгача бўлган ёш;
2. 7-17 ёш-мактаб ёши;
3. 18-30 ёш- фуқаролик ёшидан иборат.

Ёшлар ижтимоий йўналашларини, муаммоларини тадқиқ этиш ушбу ўзига хос ижтимоий гуруҳни бошқалардан фарқлашни назарда тутади.

1991-2008 йилларда Ўзбекистон аҳолиси 7 миллион кишига кўпайди ва 2009 йил охирида 27767,1 миллион кишини⁵ ташкил этди. Шу давр мобайнида аҳолининг ўртача йиллик ўсиши 1,8 фоизни, ўртача мутлақ кўпайиши сони эса 400 минг кишини ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшларга оид давлат сиёсати изчил рўёбга чиқариб келинмоқда. Бу сиёсатнинг мазмун-моҳияти, асосий йўналишлари, ёшларга бериладиган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳукукий кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябрдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонунида⁶ белгилаб қўйилган. Қонуннинг қабул қилиниши ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг жорий архиви. 1991-2008 йил маълумотлари. [http:// www. stat.uz](http://www.stat.uz)

² Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг жорий архиви. 1991-2008 йил маълумотлари. <http:// www. stat.uz>

³ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик нутқи. // Халқ сўзи, 2011, 1 сентябрь.

⁴ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 163.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг жорий архиви. 1991-2008 йил маълумотлари. <http:// www. stat.uz>

⁶ “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонун 1991 йил 20 ноябрь. // Халқ сўзи, 1992, 8 январ.

мўлжалланган ташкилий тадбирларни ҳам кўзда тутди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Республика Президенти 1991-1993 йилларда ёшлар ижтимоий кафолатини таъминлаш ва улар истеъдодини камол топтириш мақсадида 14 та Фармон қабул қилди¹. Уларда ёшларнинг моддий ахволини яхшилашдан тортиб, ёшлар истеъдодини моддий ва маънавий рағбатлантиришгача бўлган тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилди. Натижада жойларда ёшлар ижтимоий кафолатига доир тадбирлар амалга оширила бошланди. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши 1993 йил январь ойида “Ёшлар сиёсати бўйича Қонун” қабул қилди². Вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1992 йил 4 декабрдаги 568-сонли Қарори асосида вилоятларда ва туманларда “Ёшлар ишлари бўйича ҳокимлар раислигида Кенгашлар” тузилди. Ҳокимликлар томонидан давлатнинг ёшлар сиёсатини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор берилди ва бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

1991-2008 йиллар давомида мамлакатда ёшлар манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг узвий қисмига айланди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, 2008 йил охирига келиб мамлакатда амалдаги қонун ҳужжатлари миқдори 5091 тани, яъни 307 та қонун, 465 та Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 545 та Фармонлари, 308 та қарор, 14 та фармойиш, 2328 та Ҳукумат қарорлари, 1124 та вазирлик ва давлат органлари ҳужжатларини ташкил этди³. Бу чиқарилган қонун ҳужжатларидан Ўзбекистонда ёшларга доир 100 га яқин қонун ҳужжатлари, 10 дан ортиқ қонунлар, 30 дан ортиқ Президент қарорлари ва фармонлари, 40 дан ортиқ Вазирлар Маҳкамаси қарорлари чиқарилиб амалий ҳаётга тадбиқ этилди⁴.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин собиқ комсомол ташкилотини ислоҳ қилиш натижасида Ўзбекистон Республикаси ёшларини бирлаштириш учун “Ёшлар иттифоқи” ташкилоти тузилди. Ташкилот ёшларни ўз пленуми ва конференциялари қарорларини бажаришга сафарбар қилишга уриниши, қарорларда ёшларнинг манфаатлари ва эҳтиёжлари тўла акс этмаганлиги натижасида 1996 йилда “Ёшлар иттифоқи” ташкилоти тугатилиб, шу йилнинг 17 апрелида Ўзбекистон Республикаси ёшларининг “Камолот” жамғармаси тўғрисидаги Президент фармони асосида янги ёшлар ташкилоти тузилди⁵. “Камолот” жамғармаси ёшларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш ишларида қатнашиш, уларнинг билим олиш, меҳнат қилиш, сиёсий ва бошқа конституциявий ҳуқуқларини тўла амалга ошира олишлари учун зарур шарт-шароитнинг яратилишига кўмаклашиш вазифаларини белгилади. Жамғарманинг 1996-2000 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 12 та вилоят ва туманлардаги бўлимлари, 12 мингга яқин жамоат марказлари фаолият олиб боргани ҳамда амалга оширган ишлари юзасидан ахборотлар келтириб ўтилган⁶. 1996-2000 йиллардаги “Камолот” жамғармаси бошқаруви мажлислари баённомалари ва қарорларида “Ёшлар муаммолари институти” очилгани, “Камолот ва қонун” корхоналари кенг қамровли фаолият олиб борганлиги кўрсатиб ўтилган⁷.

Бироқ, жамғарма ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга қаратилган амалий ишларни олиб боргани билан ҳам ўзининг мақсадларини тўла бажара олмади. “Камолот” жамғармасига ёшларнинг ижтимоий ташкилоти сифатида эмас, балки оддий

¹ Жўраев Н., Файзуллаев Т. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. 3-китоб. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 486.

² http://lex.uz/guest/irs_html.winLAV/pID=140894

³ По данным Информационно-поисковой системы «Национальная база данных законодательства Республики Узбекистан» LexUz по состоянию на 11 октября 2008 года.

⁴ <http://www.region.uz>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ЎЗР МДА). М-13- фонд, 1- рўйхат, 1- йиғма жилд, 10- варақ.

⁶ ЎЗР МДА. М-13- фонд, 1- рўйхат, 3- йиғма жилд, 20- варақ.

⁷ ЎЗР МДА. М-13- фонд, 1- рўйхат, 1- йиғма жилд, 22- варақ.

бир жамғарма сифатида қарашлар асосида фаолият юритишга мойиллик кучли бўлди. Ҳатто жамғарманинг бутун фаолиятида унинг дастури ҳам ишлаб чиқилмади. Жамғарма мамлакат ёшларига етакчилик қилиш, жуда бўлмаганда ёшлар ишларини мувофиқлаштириш қобилиятига эга ташкилот даражасига кўтарила олмади. Натижада 2001 йил 24 январ куни Президент И.А.Каримов “Камолот-ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин” мавзусида нутқ сўзлади ва янги ёшлар ижтимоий ҳаракатини ташкил этиш, ташкилотнинг мақсад-вазифаларини белгилашда муҳим аҳамият касб этди¹.

2001 йил 25 апрел куни Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг² таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Таъсис қурултойда ҳаракатнинг Дастури ва Низоми қабул қилинди³. 2001–2008 йиллар давомида Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 12 та вилоят, 199 та туман (шаҳар) бўлимлари Кенгашлари, 17 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатди. 7 млн. 200 минг нафардан ортиқ 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган ёшларнинг 4 млн. 600 минг нафардан ортиғи ёки 64 фоизи ҳаракатга аъзо бўлиб кирган⁴.

Ҳаракат Низомига асосан Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари ёшларнинг ўқиш, иш ва хизмат жойларида ташкил этилади. Ҳаракат таркибида унинг ҳомийлиги асосида ишлайдиган, “Камалак” болалар ташкилоти 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчиларни бирлаштирган бўлиб 4,2 млн.дан ортиқ болалар ташкилотга аъзо бўлиб кирган⁵.

“Камалак” Болалар ташкилоти тизимида сардорлар Кенгашининг фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, 2008 йилга келиб 300 мингдан ортиқ фаоллар фаолият олиб борди. “Камалак” Болалар ташкилоти ўзининг фаолиятини “Олтин мерос”, “Маънавият ва маърифат”, “Умид”, “Соғлом авлод”, “Ватанпарвар”, “Меҳр-шавқат” каби йўналишларда ташкил этган⁶. Ҳаракат 2001-2008 йиллар давомида Республика миқёсидаги йирик ёшлар ташкилоти сифатида шаклланиб, ўзининг атрофида миллионлаб соғлом фикрли ёшларни бирлаштирди ва уларнинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид ислохотларни амалга оширишда ёшларнинг иштироки”** деб номланувчи иккинчи боби, илм-фан ва таълим соҳасида ёш кадрлар масаласи, Ўзбекистон маданияти ва спортнинг ривожланишида ёшларнинг ҳиссаси, Ўзбекистон ёшларининг тадбиркорлик фаолиятини таҳлил қилишга бағишланган.

Таълим – мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ғоявий, маданий ҳаётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам 1992 йилда мустақил Ўзбекистоннинг дастлабки “Таълим тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Бу қонуннинг асосий вазифаларидан бири-собик иттифоқ мафкурасидан ҳалос бўлиш ва унинг ўрнини янги дунёқараш билан тўлдириш ҳамда жаҳон андозаларига асосланган таълим тизимини яратишдан иборат эди. Республика ҳудудлари бўйлаб мактабларга, ўқитувчи-мураббийларга моддий ва маънавий рағбатлантиришлар, ижтимоий ёрдам бериш масалаларига эътибор анча кучайтирилди⁷. Қонун талабларидан келиб чиқиб, янги ихтисосликлар, мутахассисликлар, олий ўқув юртлари ташкил этилди, вилоятларда янгидан-янги ўқув юртлари очилди. Президент

¹ Каримов И.А. Камолот- ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.

² “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати кейинги варақларда “Ҳаракат” деб берилади.

³ Ўзбекистон Республикаси “Камолот” Ёшлар Ижтимоий Ҳаракатининг жорий архиви (ЎЗР “Камолот” ЁИХ ЖА). “Камолот” Ёшлар Ижтимоий Ҳаракатининг 2001-2008 йиллар давомидаги фаолияти юзасидан ҳисоботи. – Б. 1.

⁴ ЎЗР “Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2001-2008 йиллар давомидаги фаолияти юзасидан ҳисоботи. – Б. 1.

⁵ ЎЗР “Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2001-2008 йиллар давомидаги фаолияти юзасидан ҳисоботи. – Б. 2.

⁶ ЎЗР “Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2001-2008 йиллар давомидаги фаолияти юзасидан ҳисоботи. – Б. 3.

⁷ ЎЗР МДА. Р-94- фонд, 7-рўйхат, 7002- йиғма жилд, 75- варақ.

И.А.Каримовнинг 1992 йил 28 феврал Фармони билан 8 та вилоят педагогика институтларига университет мақоми берилди¹. Бундай янгиланишдан мақсад вилоятларда олий университет таълимини ташкил этиш, илмий-маърифий ишларни ривожлантиришга, энг олис ва чекка шаҳарларни маданий-маърифий марказга айлантиришга асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 августдаги “Ўзбекистоннинг ёш ижодкорларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги 461-сонли Фармони асосида 1992-1993 ўқув йилида мактаб ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика фан олимпиадалари ўтказилди². Умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасида 1428 та ўқувчи иштирок этиб, шунда 128 таси ғолиб бўлди ва фахрли ўринларни эгалладилар³. 1993 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 555-сонли Президент фармони ўқишда аъло натижалар кўрсатган олий ўқув юртларининг талабалари учун давлат стипендияларини таъсис этиш масалаларини тартибга солиди⁴. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўқувчи ёшларни мукофатлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида” 1993 йил 25 мартдаги 157-сонли қарори⁵ натижасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасаларининг талабалари ва аспирантларини мукофатлашга, моддий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижодкор ёшларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш тўғрисида” 1993 йил 8 майдаги 208-сонли қарорида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар марказларида ижодкор ёшларни уй-жой билан таъминлаш ва шароитларни яхшилашга эътибор қаратилди⁶.

Ўзбекистон Республикасида 1997 йил амалга оширилган, дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган “Таълим тўғрисидаги қонун”⁷ ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”⁸ ёшларнинг ҳар томонлама камол топишида муҳим ўрин эгаллайди. 1997 йил “Таълим тўғрисида”ги қонун қабул қилинди ва таълим-тарбия соҳаси янгича демократик мезонлар асосида ислоҳ этила бошланди. 1997-1998 ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг биринчи синфларида ўқиш янги алифбо-лотин алифбосида олиб борилди⁹. Таълим тўғрисидаги қонун мактаблар, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитиш сифатини кескин ўзгартирди ва тубдан янгилади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида эса қобилятли ёш замонавий миллий кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилди.

Ўзбекистон Республикаси таълим даражаси бўйича дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан бир қаторда туради. Дунё миқёсида ўртача таълим индекси кўрсаткичи 0,77 га тенг бўлган ҳолда Ўзбекистонда бу кўрсаткич 0,99 ни ташкил этади¹⁰. Таъкидлаш жоизки, 1991-2007 йилда 7-15 ёшдаги болаларнинг 96, 8 фоизи бошланғич мактабларда умумтаълим билан қамраб олинган. 2007 йилда 15-18 ёшдаги болаларнинг 33

¹ Жўраев Н., Файзуллаев Т. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3-китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Шарк, 2000. – Б. 416

² ЎзР МДА. М-26- фонд, 1-рўйхат, 25- йиғма жилд, 53- варақ.

³ ЎзР МДА. М-26- фонд, 1-рўйхат, 25- йиғма жилд, 64 - варақ.

⁴ ЎзР МДА. М-26- фонд, 1-рўйхат, 25- йиғма жилд, 65 - варақ.

⁵ ЎзР МДА. М-26- фонд, 1-рўйхат, 25- йиғма жилд, 69- варақ.

⁶ ЎзР МДА. М-26- фонд, 1-рўйхат, 25- йиғма жилд, 70 - варақ.

⁷ Таълим тўғрисидаги қонун. 1997 йил 29 август. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент, 1997. – Б. 67-80.

⁸ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. 1997 йил 29 август. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент, 1997. – Б. 80-94.

⁹ ЎзР МДА. М-66- фонд, 1-рўйхат, 87- йиғма жилд, 107- варақ.

¹⁰ Субҳонов Н. Келажак олдидagi масъулият: статистик таҳлил ва маълумотлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 23.

фоизи умумтаълим мактабларига катнаган ва 41,6 фоизи ўрта-махсус таълим муассасаларида таълим олган¹.

Маданият, санъат, спорт халқ ва давлатни тезлик билан дунёга танитадиган ўзига хос соҳадир. 1992 йил 28 августда “Ўзбекистон ижодкор ёшларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора тadbирлари тўғрисида”ги Президент фармони² чиқди. Натижада, минглаб иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни истеъдодини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистонда мусиқа ва рақс санъатини ривожлантириш мақсадида “Ўзбекнаво”, “Ўзбекракс” бирлашмалари ташкил этилди ҳамда республика ёшларининг маданият, санъат соҳасидаги юксалиши янада юқори поғоналарга кўтарилди³. 1998 йил Ўзбекистонда биринчи марта симфоник мусиқа фестивали ўтказилди ва дунёнинг йигирмага яқин мамлакатларидан ёш ижрочилар қатнашди⁴.

“Шарқ тароналари”, “Симфоник мусиқа”, “Тошкент баҳори”, “Шарқ ва Ғарб” каби мусиқа ва театр фестиваллари, тасвирий санъат асарлари кўргазмалари ҳамда халқаро кўрик танловлар, турли чолғу ва рақс танловлари, мақом оқшомларида республика ёшлари юқори фахрли ўринларни эгалладилар⁵. Жумладан, иқтидорли ёш бастакорлар, созандалар, рассомлар ва тасвирий санъат намоёндалари турли халқаро танловларда ғолиб бўлиб, уларнинг истеъдоди дунё миқёсида эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов “Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этишга доир таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида” 1999 йил 10 июнда ПФ-2326-сонли Фармон чиқарди. Бунинг натижасида ёш иқтидорли қизларга фан, таълим, адабиёт, маданият ва санъат йўналишларида давлат мукофоти берилди. 2000 йилдан 2008 йилгача 126 та ёш иқтидорли қизлардан фан йўналишида 20 нафар, таълим йўналишида 32 нафар, адабиёт йўналишида 27 нафар, санъат йўналишида 24 нафар, маданият йўналишида 22 нафари “Зулфия” номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлди⁶. Санъат соҳасидаги қобилиятли ёшларга тақдим этиладиган Республика “Нихол” мукофоти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 августдаги 334-сонли Қарорига асосан таъсис этилган. Тантанали тақдимот маросими ҳар йили мусиқали концерт кўринишида ўтказилади. Ёш истеъдодларни кашф этишда Президент И.А.Каримов ташаббуси билан таъсис этилган “Нихол” мукофотининг ўрни ва аҳамияти ҳолат катта. Ҳар йили кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри босқичлари юқори савияда, байрамона руҳда, қатъий бадиий талаб ва мезонлар асосида ўтказилаётгани, унда иштирок этиш истагидаги ёшларнинг кўплиги “Нихол” мукофотининг нуфузи ошиб бораётганидан далолат беради⁷. Жумладан, 2008 йилги туман, шаҳар, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги саралаш босқичларида ўн минг нафарга яқин ёш йигит-қиз иштирок этгани бунинг далилидир.

2004 йил 27 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди ва унга кўра Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси тугатилиб, уларнинг негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари

¹ Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 93.

² Хотамов Ғ. XXI аср: истиқболимиз тимсоллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 188.

³ <http://lex.uz>

⁴ ЎзР МДА. М-7- фонд, 1- рўйхат, 1- йиғма жилд, 43- varaқ.

⁵ ЎзР МДА. М-7- фонд, 1- рўйхат, 1- йиғма жилд, 33- varaқ.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси жорий архиви маълумотлари. 2000-2008 йил ҳисоботлари.

⁷ <http://www.mashhur.uz/festivallar-va-tanlovlar/721-ozbekiston-respublikasi-prezidentining-yosh-istedodlar-uchun-lniholr-mukofoti>

вазирлиги ташкил қилинди¹. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ва 2004 йил 29 август ПФ-3481-сонли “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қарори 2004 йил 29 августдаги 410-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди². 2003 йил Ўзбекистонда 97 та спорт иншооти қурилган бўлса, 2008 йили 186 та спорт мажмуи бунёд этилди. Шундан 162 таси қишлоқ жойларида қурилди. 2008 йилда қуриб битказилган спорт иншоотларининг 166 тасини мактаб спорт заллари ташкил этди³.

Ўзбекистонда маданият, санъат, илм-фан ва спортни тарғиб этишда 2004 йил март ойида ташкил қилинган “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси алоҳида ўринда туради. Жамғарма ўз олдига илм-фан, маданият ва таълимни ривожлантиришдек эзгу мақсадни қўйган нодавлат ташкилоти бўлиб, ўтган йиллар давомида мамлакат маданий ҳаётида ўзига хос воқеа бўлган бир қатор йирик лойиҳа ва дастурларни амалга оширди. 2005 йилдан буён жамғарманинг таълим грантлари дастури амалга ошириб келинади⁴. 2006 йил мартда “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази (ЁТМ)⁵ ташкил этилди. 2006 йилдан жамғарма таълим лойиҳаларига Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури ва Педагогик грантлар дастури ҳам қўшилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Сурхондарё, Наманган, Навоий, Қашқадарё, Фарғона, Сирдарё, Хоразм, Андижон, Тошкент вилоятларидаги туманларда болалар мусиқа ва санъат мактабларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бозор ислохотлари талабларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ ёшларнинг касбий таълимини қайта йўналтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 1995 йил 29 июлда 296-сонли қарори чиқарилди⁶. Бунинг натижасида қишлоқда хусусий секторни ривожлантириш ва қишлоқ ёшларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, зарур касблар ва мутахассисликларни эгаллашга ҳамда уларни моддий рағбатлантиришга эътибор қаратилди.

Чунончи, “Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сонли Фармони, 2000 йил 25 май “Тадбиркорлик фаолиятини эркинликларининг кафолати тўғрисида”ги Қонун⁷, “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2005 йил 14 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, “Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида”ги 2005 йил 24 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” йили деб эълон қилиниши ва Давлат дастурини⁸ қабул қилиниши

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги 2004 йил 27 сентябр Фармони // Халқ сўзи, 2004, 30 сентябр

² Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жорий архиви. 2004-2008 йил ҳисоботлари.

³ Лукмонов В. Соғлом келажакимизнинг муҳим омили // Qashqadaryo, 2009, 20 yanvar.

⁴ <http://www.fundforum.uz>

⁵ <http://www.kelajakovozi.uz>

⁶ ЎзР МДА. М-26- фонд, 1-рўйхат, 25- йиғма жилд, 71 – varaқ.

⁷ Тадбиркорлик фаолиятини эркинликларининг кафолати тўғрисидаги Қонун. 2000 йил 25 май. <http://www.lex.uz>

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат Дастури тўғрисидаги 2011 йил 7 февраль қарори. // Халқ сўзи, 2011, 10 февраль.

ёшлар орасида тадбиркорликни ривожланишида аниқ мақсадларга қаратилган чора-тадбирларга кенг йўл очиб берди.

2002 йил охири – 2003 йил бошида республикада фаолият юритаётган тадбиркорларнинг 51,6 % ни 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этган¹. 2000-2008 йилларда ҳар йили 600 мингдан иборат ёш йигит ва қизлар меҳнатга лаёқатли ёшга (16 ёш) тўлади. Шу муносабат билан ёшларни ишга жойлаштириш муаммоси долзарблигини йўқотгани йўқ. Иқтисодиётнинг расмий секторида 2000-2006 йилларда иш билан банд бўлган аҳоли таркибида 16-24 ёшли иш билан таъминланган ёшлар 14-15 % ни, 25-29 ёшлилар 20-21 % ни ташкил қилди². 2008 йилда республика аҳолисининг 64 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшларга тўғри келса, 16-29 ёшдаги ёшлар эса меҳнат ресурсларининг 34,8 % ни ташкил этди³.

2008 йилда Ўзбекистонда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 76 % дан кўпроғи тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётгани ва 55 %ни ёшлар ташкил этаётганлиги диққатга сазовордир⁴. Мамлакатда 1991 йилдан 2008 йилгача бўлган даврда ёшларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тадбиркор ёшлар фаоллигини ошириш ва уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Диссертациянинг **“Ёшларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари”** деб номланган учинчи бобида ёшлар ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари, давлат томонидан ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласи, Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг иштирокини такомиллаштириш йўналишлари ва истиқболлари таҳлил этилган.

Жамият ҳеч қачон ёшларнинг интилишларига, ҳаётдаги идеаллари, қизиқишлари ва келажак орзу-умидлари ҳамда уларни амалга ошириш йўлларига бефарқ қарай олмайди. Шунинг учун давлат ва жамият қурилишида, ёшларнинг билим олиши, уларнинг жамиятдаги ўрни, муаммоларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш муҳимдир. Тадқиқот давомидаги илмий-қийёсий таҳлиллар натижаларига кўра, ёшлар ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар қуйидагилардан иборат:

- эскича фикрлаш ва фаолият олиб бориш юкидан холи бўлган янги ёшларнинг вояга етаётганлиги;

- таълим тизимининг барча босқичларида ёшларга билим беришнинг, маънавий, ахлоқий ва касб малакаси бўйича тарбиялашнинг мутлақо янги тизими ишлаб чиқиляётганлиги;

- мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётини янада мустаҳкамлашда жаҳон тажрибасининг конструктив жиҳатларини ўзлаштириляётганлиги;

- ёшларни иш билан бандлик ва улар меҳнатидан унумли фойдаланиш масаласи, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида ёшларга янги иш ўринларини ташкил этиш;

- вояга етиб келаятган ёшлар тўғрисида ўйлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий фаоллигини ошириш бўйича ҳукумат жиддий бош қотираётганлиги ва бошқаларни таъкидлаш ўринлидир.

Шу билан бирга, ёшлар ижтимоий ҳаётидаги муаммоларнинг ҳал этишнинг турли йўллари кенг жамоатчилик учун ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси томонидан турли хил қонунлар ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

¹ <http://gov.uz/uz/press/economics/7762>

² Мужчины и женщины Узбекистана. Статистический сборник. – Ташкент, 2007. – Б. 105.

³ Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги жорий архиви. 2008 йил ҳисоботлари. – Б. 53.

⁴ Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б.159.

Юкоридаги фикрлардан келиб чикиб, ёшлар ҳаётидаги муаммоларни ҳал этишда қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- Республика, вилоят, шаҳар, туман, корхона, хўжалик, ўқув юртларида ташкил этилган маънавий-маърифат марказлари ишини янада фаоллаштириш;

- маънавий ва маърифат соҳасида фаолият кўрсатадиган ходимларни танлаш, қайта тарбиялаш ишига алоҳида эътибор бериш;

- меҳнат биржалари ва бандликка кўмаклашувчи марказлар иш фаолиятини янада кучайтириш;

- оила, мактаб, маҳалла ва кенг жамоатчилик фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш, уларни ҳамкорликда иш юритишини таъминлаш зарур;

- ёшларни бўш вақтларини самарали ташкил этиш учун турли спорт тўғрақларига эътибор қаратиш керак;

- ёшлар ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳамда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш учун турли хил давра суҳбатлари, семинар тренинглар, кўрсатувларга алоҳида эътиборни янада кучайтириш керак.

Ўзбекистонда иқтидорли ёшларни моддий рағбатлантириш ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими амал қилмоқда. Истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларга кўмаклашиш, уларнинг қобилияти ва истеъдодини ўстириш бўйича махсус жамғармалар ташкил этилди. Ёшларни рағбатлантириш масадида атама стипендиялар ташкил этилди. Олий ўқув юртларида бакалавр, магистр ва аспирантлар учун давлат стипендияларининг турли шакллари жорий этилган. Уларнинг энг юқориси Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясидир. Ушбу стипендия 11 йўналиш бўйича бакалаврлар ва магистрларга ҳамда 5 йўналиш бўйича аспирантларга берилади. Бакалаврлар учун муайян йўналишлар бўйича Алишер Навоий, Улуғбек, Беруний, Ал-Бухорий, Ибн Сино номидаги давлат стипендиялари ҳам таъсис этилган¹. Жумладан, 1993-2008 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси совриндорлари 200 нафардан ортиқ ёшларни ташкил этди. А.Навоий, М.Улуғбек, А.Беруний, Ал-Бухорий, Ибн Сино номли стипендия совриндорлари бўлган талаба ёшлар 2200 нафарни ташкил этди².

1991-2008 йиллар давомида мамлакатда ёш оилалар манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг узвий қисмига айланди. Президент И.А. Каримов томонидан 2007 йил 18 майда қабул қилинган “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон³ ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришга йўналтирилган эзгу ишларнинг изчил давомидир. Ўзбекистонда 950 мингдан зиёд ёш оила мавжуд⁴. Жумладан, ёш оилаларга уй-жойлар сотиб олиш, реконструкция қилиш ва қуриш учун 17, 1 млрд. сўм имтиёзли ипотека кредитлари берилди⁵. Республика миқёсида давлат томонидан ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида ажратилган ипотека, истеъмолад ва микрокредитлар миқдори жами 135,7 млрд. сўмни ташкил этди⁶.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги жорий архиви. Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармасининг 1993-2008 йил ҳисоботлари.

² Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги жорий архиви. Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармасининг 1993-2008 йил ҳисоботлари.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони. 2007 йил 18 май. Ёшларга оид Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ҳужжатлар тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 16-18.

⁴ Ёшлар йили давлат дастури. 2008 йил 29 февраль.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот // Тошкент ҳақиқати, 2008, 19 июль.

⁶ Бекмуродов А., Ғафуров У., Мустафакулов Ш., Каттаев Н. Бу муқаддас ватанда азиздир инсон. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2010. – Б. 26.

Модернизация ва либераллаштириш жараёнларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшлар иштирокини такомиллаштириш учун ўзига хос бўлган қуйидаги истиқболли ривожланиш йўналишларини белгилаб бериш мумкин:

- ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар қатламларини қўллаб-қувватлаш, бу вазифани давлатнинг устувор вазифаларидан бири сифатида қабул қилиш. Давлат томонидан бирламчи ёрдамга муҳтож қатлам сифатида болалар, ёшлар ва талабаларни алоҳида таъминлаш;

- ёшларнинг жамият тараққиётидаги фаолиятларига йўл очиш ва уни таъминлаш учун уларнинг ўзларидаги фаоллик, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар жараёнларига камарбасталик, ислохотларга ишонч фазилатларини тарбиялаш;

- ёшлардаги фаоллик, куч ва қудрат, ёшлик салоҳиятининг ислохотлар жараёнига тортилишини таъминлаш учун “бюрократия, коррупция, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик” кайфиятларидан жамиятни мунтазам тозалаб бориш;

- ёшларнинг янгиликка интилиши, ташаббускорлиги, эркин бозор иқтисодиётига тез қўниқиши, янги йўналишларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ташаббусларининг “чўкиб” қолишига йўл қўймаслик;

- ёшларни ўз ватани ва оиласининг ватанпарварларига айлантириш, инсонпарварликни ҳаёт тамойилига, мамлакат ривожини учун қайғуришни фуқаролик мезонига айлантиришга эришиш, соғлом авлод тарбиялаш фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва барча зарур имкониятларни яратиш;

- мамлакат миллий тикланиш ва тараққиётдан энг биринчи наф олувчи ижтимоий қатлам сифатида ёшларни тан олиш, модернизация ва либераллаштириш жараёнида ислохотларини амалга оширувчилар сифатида улардан кенг фойдаланиш, ёшлар тадбиркорлигига янада кенг имкониятлар яратиш;

- ёшлар интеллектуал салоҳиятини дунё мамлакатлари даражасида мунтазам бўлишига эришиш, мамлакат иқтисодиёти ривожини ёшлар интеллектуал захиралари билан узвий боғлаш ва фойдаланишга эришиш;

- ёшлар ўртасида сиёсий-ҳуқуқий онг ва тафаккур тамойилларини кенг сингдириш, уларнинг ўз тарихини билиши билим ва кўникмаларга эга бўлишлари учун табиий ривожланиш тизимларини яратиш ҳамда унумли фойдаланиш.

III. ХУЛОСА

Мавжуд манбалар, архив ҳужжатлари, тадқиқотлар натижаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва қиёслаш асосида қуйидаги **хулосаларга** келинди:

- Ўзбекистон демографик ҳолатининг таҳлили ёшларнинг ижтимоий ҳаётда катта куч эканлигидан далолат берди. Мустақиллик даврида ёшларга оид аниқ чора-тадбирлар амалга оширилиб бунёдкорлик даври бошланди;

- мустақил Ўзбекистонда ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун замон руҳига мос янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқилди ва улар амалиётга тадбиқ этилмоқда;

- “Камолот” ЁИХ мамлакатда ислохотларни амалга ошириш ва модернизациялаш жараёнлари ривожланиб бораётган бугунги даврда ёшларни қўллаб-қувватловчи асосий ташкилотга айланди;

- таҳлил қилинган даврда республикада таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва уни янада ривожлантириш имкониятига эга бўлинди. Ўзбекистонда илм-фан ва таълим соҳасидаги ёш кадрлар ҳамда илғор фикрловчи, ташаббускор, фидойи, иқтидорли ёшларга алоҳида эътибор қаратилди. Таълим-тарбия жараёнлари кенг кўламда ўрганилиб, уларни амалиётда тадбиқ этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

- Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида маданият, санъат ва спорт бўйича кўрик танловлар мунтазам равишда ташкил этилди ҳамда давлат томонидан уларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда;

– мамлакатда замон руҳига мос равишда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга оид қонунлар чиқарилди ва дастурлар кенг амалга оширилмоқда;

– ёшлар ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилди ҳамда кучли ижтимоий сиёсат асосида ёшлар давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватланмоқда;

– Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг иштирокини такомиллаштириш йўналишлари ва истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга ёшларни ҳар томонлама салоҳиятли баркамол инсон қилиб вояга етказишда, таълим ва тарбия жараёнининг узвийлиги, маънавий маърифий ишларнинг доимийлигини таъминлаш лозим. Чунки мамлакат мустақиллиги, миллатнинг эртанги куни, унинг тараққиёт даражаси, яъни, иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, маънавий жиҳатдан юксалиш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб бориши ёшлар зиммасидадир.

Ислохотларнинг тақдири, самарали натижалар бериши ва истиқболи аҳолининг айниқса, ёшларнинг фаоллигига, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокига боғлиқ. Чунки давлатнинг ижтимоий-сиёсий салоҳиятини белгиловчи омиллардан бири мамлакат ёшларининг фаоллиги, ақл-заковати ва фидойилигидир.

Ёшларга берилган эътиборни фақатгина “Камолот” ЁИХ дастурларида эмас, балки ўз амалий фаолиятларида ҳам акс эттирсалар ислохотлар ижобий самара беради. Бунинг учун эса, фақат танқид қилиш билан чекланмасдан, ёшлар фаолиятига амалий жиҳатдан қўмаклашиш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, шахсий намуна ва ташаббуслар кўрсатиш лозим. Зеро, ёшларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширмасдан туриб, фаол фуқаролик жамиятини қуриб бўлмаслиги барчамизга аён.

Мамлакат ҳаётида содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришлар ёш авлоднинг жамиятдаги ўрни масаласига янгича ёндашишни тақозо этмоқда. Шундай экан, ҳозирда долзарб вазифалардан бири, ёшларни ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, маънавий дунёқарашини шакллантириш, таълим-тарбия бериш жараёнида янги усул ва услубларни яратишдан иборатдир. Уларда ташаббускорлик, интилувчанлик, ҳаракатчанлик шаклланиши керак. Баркамол авлоднинг маънавий етуқлик даражаси юқори бўлган тақдирдагина улар ижтимоий ҳаётнинг тараққиёт қонунларини, ҳуқуқий давлат моҳиятини ва унинг инсониятга адолатли ҳаёт кечиришда ягона қафолат эканлигини чуқур идрок этиши мумкин.

Олиб борилган тадқиқот натижасида юзага келган фикр-мулоҳазалар асосида ҳозирги кунда ёшлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган куйидаги **таклиф** ва **тавсияларни** бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

– биринчидан, ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун замон руҳига мос янгидан-янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш бўйича инновацион лойиҳалар ишлаб чиқиш зарур;

– иккинчидан, “Камолот” ЁИХ ваколатларини янада кенгайтиришга доир янги қонун ва қонун ости ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда модернизация қилиш керак;

– учинчидан, таълим тизимининг барча босқичларида сифат ўзгаришларга эришиш бўйича аниқ чора-тадбирларни янада кучайтириш лозим;

– тўртинчидан, Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий фаоллигини оширишда маданият, санъат ва спорт бўйича кўрик танловлар сифатига алоҳида эътибор қаратиш, ҳамда давлат томонидан уларга янада кенг имкониятлар яратиш лозим;

– бешинчидан, замон руҳига мос равишда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга оид дастурлар ва ҳаракат режаларини такомиллаштириб бориш керак;

– олтинчидан, ёшлар ўз сафларидаги илғор фикрловчи, ташаббускор, фидойи кишилар доирасини кенгайтириб боришлари лозим;

– еттинчидан, ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида барча соҳаларда “Мустақил Ўзбекистон ёшлари: бугуни ва истикболи” мавзуси доирасида янги инновацион, амалий ва фундаментал лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича кўрик танловларни мунтазам равишда ташкил этиш зарур.

IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Топилдиев О.Р. Фуқаролик жамияти ва ёшлар масалалари // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2008. – №1. – Б. 17-19.
2. Топилдиев О.Р. Ёшлар ва интернет // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2008. – №2. – Б. 36-38.
3. Топилдиев О.Р. XXI аср баркамол авлодини юзага келтиришда Тошкент шаҳрининг туганган ўрни // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент, 2009. – Махсус сон. – Б. 166-169.
4. Топилдиев О.Р. Толерантлик ёшлар тарбиясидаги муҳим омил // Илмий тўплам. – Наманган, 2010. – Б. 41-43.
5. Топилдиев О.Р. Мамлакатимиз сиёсатида баркамол авлод тарбияси // Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – Б. 310-317.
6. Топилдиев О.Р. Ёшлар ижтимоий ҳаёти: муаммо ва ечимлар // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2010. – Махсус сон. – Б. 235-238.
7. Топилдиев О.Р. Ёшларни толерантлик руҳида тарбиялаш // Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик: тарихий тажриба ва ҳозирги замон. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2010. – Б. 376-382.
8. Топилдиев О.Р. Таълим тизимидаги ислохотлар ва ёшлар // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент, 2010. – Махсус сон. – Б. 216-220.
9. Топилдиев О.Р. Оилада баркамол авлодни тарбиялаш масаласи // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари. Илмий тўплам. – Тошкент, 2011. – Б. 199-203.

Тарих фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Топилдиев Одилжон Рахимжоновичнинг 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи ихтисослиги бўйича “Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни (1991-2008 йй.)” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: “Камолот” ЁИХ, ёшлар, ёш кадрлар, “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонун, Таълим тўғрисидаги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантиришнинг умуммиллий дастури, ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласи, ёшларининг тадбиркорлик фаолияти, маданият ва спортнинг ривожланишида ёшлар.

Тадқиқот объекти: Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни ташкил этади.

Ишнинг мақсади: 1991-2008 йиллар мобайнида жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва бошқарувни либераллаштириш шароитида, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрнини замонавий тарихий ёндашувлар асосида ўрганиш ва илмий таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқот усуллари: тарихийлик, қиёсий-тарихий таҳлил, холислик, умумлаштириш, даврий изчиллик усуллардан фойдаланилган.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий–демографик ҳолати ва ёш авлодга қаратилган давлат сиёсати таҳлил этилди. “Камолот” ЁИХнинг ёшларга нисбатан ўзига хос фаолияти аниқ илмий далилларга таянган ҳолда ўрганилди ҳамда илм-фан ва таълим соҳасида ёш кадрлар масаласига қаратилган давлат сиёсати ёритилди. Ўзбекистон маданияти, санъати ва спортнинг ривожланишида ёшларнинг қўшган хиссаси мавжуд тарихий далилларга суянилган равишда кўрсатиб берилган ҳолда Ўзбекистон ёшларининг тадбиркорлик фаолиятидаги ижобий ўзгаришлар тадқиқ этилди. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг иштирокини такомиллаштириш йўналишлари ва истиқболларига оид масалаларни тадқиқ этишга бағишланган тарихий йўналишдаги тадқиқот илк бор тадқиқ этилди.

Амалий аҳамияти: Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрнини чуқурроқ таҳлил этишга хизмат қилиши билан белгиланади. Ёшлар ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларнинг мазмунини тўғри англашга ёрдам беради. Диссертацияда баён этилган хулосалар ушбу йўналишдаги кейинги тадқиқотлар учун муайян назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертациянинг асосий мазмуни диссертант томонидан чоп этилган 7 та илмий мақола ва 2 та илмий анжуманлардаги чиқишларда ўз аксини топган.

Қўлланиш (фойдаланиш)соҳаси: тадқиқот натижалари ижтимоий фанларнинг барча соҳаси тадқиқотчилари, шунингдек Ўзбекистон тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар учун назарий қўлланма ва ахборот манбаи бўлиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Топилдиева Одилжана Рахимжановича на тему: “Место молодежи в социально-политическом развитии Узбекистана (1991-2008 гг.)” на соискание ученой степени кандидата исторических наук по специальности 07.00.01 – История Узбекистана.

Ключевые слова: ОДМ “Камолот”, молодежь, молодые кадры, Закон об основах государственной молодежной политики Узбекистана, Закон об образовании, Национальная программа по подготовке кадров, общенациональная программа развития школьного образования, социальная защита молодежи, молодежная предпринимательская деятельность, развитие культуры и спорта среди молодежи.

Объект исследования: роль и место молодежи в социально-политической жизни Узбекистана.

Цель работы: изучение, научный анализ роли и места молодежи в современной истории Узбекистана в процессе демократизации общества, государственного управления в условиях либерализации и модернизации в 1991-2008 гг.

Методы исследования: системный подход, функциональный и сравнительно-аналитический метод, принципы объективности и историзма.

Полученные результаты и их новизна: посредством анализа источников, научной литературы и статистических данных раскрыто социально-демографическое положение молодежи Узбекистана и опираясь на социально-политическое развитие независимого Узбекистана дан анализ государственной политике, направленной на молодое поколение. Были изучены роль и место ОДМ “Камолот” в жизни молодежи, основанные на конкретных научных данных. Опираясь на исторические данные была показана особая значимость вклада молодежи в развитие культуры, спорта и искусства. Изучены положительные изменения предпринимательской деятельности молодежи. Впервые в историческом аспекте исследовано участие молодежи в социально-политической жизни Узбекистана.

Практическая значимость: выводы и рекомендации диссертации могут быть использованы в качестве теоретической основы для дальнейших научных изысканий места и роли молодежи в социально-политической жизни Узбекистана.

Степень внедрения и экономическая эффективность: основное содержание и идеи диссертации отражены в 7 научных статьях и 2 тезисах материалов конференций, опубликованных диссертантом.

Область применения: результаты исследования могут служить теоретическим пособием и информационным источником для исследователей всех общественных наук, также для специалистов, занимающихся изучением истории Узбекистана.

RESUME

Thesis of Topildiev Odiljon Rahimjonovich on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in history on speciality 07.00.01 - History of Uzbekistan on the subject: “The role of youth in socio-political life of Uzbekistan (1991-2008 yy.)”.

Key words: YSM “Kamolot”, youth, young staff, The law “About the bases of state policy on youth in Uzbekistan, Law about education, National program of staff preparation, National program of development of school education, problem of social support of youth, business activity of youth, youth in the development of culture and sport.

Subjects of research: the role of youth in socio-political life of Uzbekistan.

Purpose of work: scientific analyses and historical study of the role of youth in socio-political life of Uzbekistan in the period of liberalization of governing and democratization of society during 1991-2008 years.

Methods of research: historical, historical-comparative analyses, objectivity, summarizing.

The results achieved and their novelty: state policy on youth and the socio-demographic position of youth in Uzbekistan were analyzed. The activity of YSM “Kamolot” towards youth were studied according to real facts. Cleared the state policy on youth. The share of youth in the development of culture and sport were shown in real facts and changes in business activity of youth were researched. Problems on the future and directions of development of participation of youth in socio-political life of Uzbekistan were researched for the first time.

Practical value: this research serves to deeper analyses of the role of youth in socio-political life of Uzbekistan. Helps to understand changes in the life of youth truly. Conclusions can be useful for further researches in this field.

Degree of embed and economic effectivity: basic maintenance and ideas of dissertation are reflected in 7 scientific articles and 2 theses in the materials of conference, published by a candidat for a degree.

Field of application: results of dissertation can serve as theoretical manual and informational source for researchers of all social sciences, and also for specialists, who is learning the history of Uzbekistan.

Босишга рухсат этилди: 27.09.2011. Шартли босма табағи: 1,75.

Бичими: 84x60 $\frac{1}{16}$. Адади: 100. Буюртма № 30/2

МСНЖ «FAN VA TA'LIM POLIGRAF» босмахонасида чоп этилди.

100170. Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 24-А уй.